



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 20 » avgust

№ 449

Toshkent sh.

Техникумларда ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш ва битирувчилар бандлигини таъминлашда буюртмачилар иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касбий таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 23 октябрдаги ПҚ–316-сон қарори ижросини таъминлаш, замонавий меҳнат бозори талабларига мос малакали ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш, касбий таълим тизими жозибadorлигини ошириш орқали ёшларни иш берувчиларнинг буюртмаси асосида касбий таълимда ўқитиш ҳамда битирувчилар бандлигини таъминлашда иш берувчилар иштирокини янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касбий таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 23 октябрдаги ПҚ–316-сон қарорига мувофиқ:

техникум билан дуал таълимни йўлга қўйган ташкилотларга 2 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга 5 млрд сўмгача Марказий банк асосий ставкасидан йиллик 4 фоизлик пункт юқори ставкада имтиёзли кредит ажратилиши;

имтиёзли кредит ҳар 1 млрд сўм қийматгача бўлган маблағ учун камида 5 нафар ўқувчини икки ўқув йили дуал таълим дастури асосида жалб этиш ва камида 1 нафар битирувчини бир йил давомида иш билан таъминлаш шарти билан ажратилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Техникумлар билан дуал таълимни йўлга қўйган ҳамда битирувчилар бандлигини таъминлаган ташкилотларга кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

техникум билан **дуал таълимни** йўлга қўйган ҳамда **битирувчилар бандлигини** таъминлаган ташкилотларга кредит ажратиш тартиби ва шарти; ташкилот томонидан кредитдан **самарали фойдаланиш** тартиби;

ташкilotлардан кредитни **қайтариш ва кредитни мониторинг** қилиш тартиби.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги техникумлар билан дуал таълимни йўлга қўйган ҳамда битирувчилар бандлигини таъминлаган ташкilotларга кредит ажратиш учун зарур молиявий ресурсларни шакллантирсин.

Бунда техникумлар билан дуал таълимни йўлга қўйган ташкilotларга “Ўзмиллийбанк” АЖ ва “Алоқабанк” АТБ ресурсларидан кредит ажратилади.

4. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари **ҳар йили 1 февралга қадар** ўрта бўгин кадрларига эҳтиёжи мавжуд бўлган инвесторлар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириб, уларнинг рўйхатини ҳамда кадрларга бўлган эҳтиёжлари тўғрисидаги маълумотларни Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) тақдим этсин.

5. Белгилансинки:

а) инвесторлар буюртмаси асосида кадрлар тайёрлаш бўйича инвесторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ёки техникумлар томонидан Агентликка таклифлар киритилиши мумкин;

б) Агентлик инвесторлар буюртмаси асосида кадрлар тайёрлаш таклифларини ўрганиб чиқади ҳамда тегишли техникумларга касб ва мутахассисликлар кесимида янги ўқув йили учун қабул параметрларини тасдиқлайди;

в) **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб** инвесторлар буюртмаси асосида кадрлар тайёрлаш тўлов-контракт асосида, жисмоний шахслар ёки инвесторлар маблағлари ҳисобидан ташкил этилади;

г) техникумларга:

инвесторларнинг буюртмаси асосида ўқувчиларни тегишли касб ва мутахассисликлар бўйича тўлов-контракт асосида, тўғридан-тўғри (имтиҳонларсиз) ўқишга қабул қилишга;

инвестор буюртмаси асосида шакллантирилган алоҳида гуруҳларнинг тегишли касб ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларига инвестор таклифлари асосида 30 фоизгача ўзгартириш киритишга рухсат берилади.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Техникумлар билан дуал таълимни йўлга қўйган ҳамда
битирувчилар бандлигини таъминлаган ташкилотларга
кредит ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат техникумлари (кейинги ўринларда – техникумлар) билан дуал таълимни йўлга қўйган ҳамда битирувчилар бандлигини таъминлаган ташкилотларга кредит ажратиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом қоидалари нодавлат касбий таълим ташкилотлари учун татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

битирувчи – тегишли ўқув режасидаги фанларни ўзлаштирган ва амалиётларни муваффақиятли яқунлаган техникум ўқувчиси;

кредит – ушбу Низомда белгиланган шартлар асосида тижорат банклари томонидан ташкилотларга ажратиладиган маблағлар;

тижорат банклари – “Ўзмиллийбанк” АЖ ва “Алоқабанк” АТБ;

ташкилот – техникум билан дуал таълим асосида кадрлар тайёрлаш бўйича шартнома тузган юридик шахс.

3. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дуал таълимни амалга ошираётган ва битирувчилар бандлигини таъминлаётган, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларга татбиқ этилади.

4. Кредит ушбу Низом талабларига мувофиқ тижорат банклари ҳисобидан ажратилади.

5. Мазкур кредитлар ушбу Низомда назарда тутилган маблағлар доирасида ажратилади ҳамда тижорат банкларининг кредит ажратиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқини чекламайди.

2-боб. Ташкилотларга кредит ажратиш

6. Ташкилотларга кредит ушбу Низомга иловага мувофиқ схема асосида ажратилади.

7. Ташкилотларга қуйидаги мақсадлар учун кредит ажратилади:

янги бизнесни ёки янги йўналишларда ишлаб чиқаришни жорий қилиш;

ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида ташкилотни замонавий технологиялар билан таъминлаш ҳамда модернизация қилиш;

экспортни қўллаб-қувватлаш;

“яшил” иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида қайта тикланувчи энергия жиҳозларини харид қилиш;

рақамлаштириш ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш;

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш;

асосий воситаларни сотиб олиш;

айланма маблағларни тўлдириш;

дуал таълим жараёнида иштирок этувчи ташкилотнинг мутахассислари ҳамда ўқувчиларга ташкилот томонидан бириктирилган устозларни рағбатлантириш.

8. Техникумлар билан дуал таълим дастурларини ташкил этган ташкилотларга 2 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга 5 млрд сўмгача Марказий банк асосий ставкасидан йиллик 4 фоизлик пункт юқори ставкада кредит ажратилади.

Бунда кредит ҳар 1 млрд сўм қийматгача бўлган маблағ учун камида 5 нафар ўқувчини икки ўқув йили дуал таълим дастури асосида жалб этиш ва камида 1 нафар битирувчини бир йил давомида иш билан таъминлаш шарти билан тақдим қилинади.

9. Ташкилот томонидан ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошисида келтирилган шартларга риоя қилинмаган тақдирда, кредит бўйича фоиз миқдори бошқа амалдаги фоиз ставкасига ўзгартирилади.

10. Қуйидаги талабларга жавоб берган ташкилотлар кредит олиш ҳуқуқига эга:

техникум билан дуал таълимни йўлга қўйган ҳамда дуал таълим бўйича техникум билан амал қилувчи шартнома мавжуд бўлиши;

дуал таълим доирасида ўқувчилар учун иш жойлари ва ишлаб чиқариш амалиёти ташкил этилган бўлиши;

дуал таълим доирасида ўқувчиларга ташкилотнинг малакали мутахассисларини “устоз” сифатида бириктирган бўлиши;

дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчилар билан муддатли меҳнат шартномалари тузилган бўлиши ҳамда иш ҳақи тўлаши;

жорий йилда техникум битирувчисини ташкилотдаги вакант иш ўрнига меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилган бўлиши.

11. Ташкилотлар техникум билан дуал таълимни йўлга қўйгандан ҳамда 1 нафар битирувчини бир йил муддатга ишга қабул қилгандан сўн **икки ҳафта муддатда** кредит олиш учун тижорат банкларига мурожаат қилади.

12. Ташкилотлар дуал таълим дастури доирасида кредит олиш учун тижорат банкларига қуйидаги ҳужжатларни қоғоз шаклида тақдим этади:

кредитни олиш тўғрисидаги ариза;

ариза берувчи (ташкилот)ларнинг амалда бўлган тасдиқловчи ҳужжатлари;

техникум ва ташкилот ўртасидаги ҳамда ташкилот ва ўқувчи ўртасидаги дуал таълим бўйича шартнома нусхалари;

дуал таълим дастури ва дуал таълимда таҳсил олаётган ўқувчилар рўйхати;

ташкилот томонидан кредитдан фойдаланиш режаси;

ташкилотнинг солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот.

13. Ташкилот томонидан кредит ажратишни сўраб банкка тақдим қилинган аризаси ва унга илова қилинган барча ҳужжатлари тижорат банклари томонидан **беш иш кунид**а кўриб чиқилади.

14. Ташкилотнинг кредит ажратиш бўйича тақдим этган барча ҳужжатлари кредитга лаёқатлилик кўрсаткичига мувофиқ келган тақдирда, тижорат банки **уч иш кунид**а бу ҳақда ташкилотга хабар беради, шартнома тузади ҳамда унинг ҳисобварағига кредитни ўтказди.

15. Кредит шартномаси кредитга лаёқатлилик кўрсаткичига мувофиқ келмаган тақдирда, тижорат банки кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда ушбу қарор қабул қилинган санадан бошлаб **бир ҳафта муддатдан** кечиктирмасдан ташкилотга рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма жавоб беради.

16. Тижорат банкининг кредит беришни рад этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган ташкилот мазкур қарор қабул қилинган кундан бошлаб **уч иш кунид**а банкка, унинг тегишли ички апелляция органига (агар мавжуд бўлса), суддан ташқари низоларни муқобил ҳал қилиш органларига (агар мавжуд бўлса), Марказий банкка ёки молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколати берилган давлат органларига ёхуд судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

17. Тижорат банки томонидан кредит ажратилгандан сўнг ташкилот кредитни ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган мақсадлар учун йўналтириш чораларини кўради.

3-боб. Кредитни қайтариш ва кредитни мониторинг қилиш

18. Асосий қарз ва фоиз тўловлари кредит олувчи томонидан кредит шартномасида кўрсатилган шартларда тўланади.

19. Кредит олувчи кредитни кредит шартномасида белгиланган муддатлардан олдин қайтаришга ҳақлидир.

20. Кредит олувчи кредит бўйича фоиз тўловлари ва асосий қарзни кредит шартномасида белгиланган муддатларда қайтармаса, тижорат банки кредит бўйича муддати ўтган қарздорликларни ўзининг ички қоидаларига асосан қайтариш чораларини кўради.

21. Тижорат банки даврий равишда ташкилотдан дуал таълим шаклида ўқув жараёни ташкил этилгани ҳамда ишга қабул қилган битирувчининг меҳнат фаолиятини олиб бораётгани тўғрисида тегишли маълумот сўрашга ҳақли.

22. Ташкилот томонидан 5 нафар ўқувчини икки ўқув йили дуал таълим дастури асосида жалб этиш ҳамда 1 нафар битирувчини бир йил давомида ишга қабул қилиш талаби бузилган тақдирда, техникум мазкур ҳолат юзасидан тижорат банкларига маълумот беради.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

23. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

24. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.



Техникумлар билан дуал таълимни йўлга қўйган
ҳамда битирувчилар бандлигини таъминлаган
ташкилотларга кредит ажратиш тартиби
тўғрисидаги низомга
илова

**Техникумлар билан дуал таълимни йўлга қўйган ҳамда битирувчилар
бандлигини таъминлаган ташкилотларга кредит ажратиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Ташкилот	Техникум билан дуал таълимни йўлга қўйганда ҳамда 1 нафар битирувчини бир йил шарти билан ишга қабул қилгандан сўнг кредит олиш учун тижорат банкларига мурожаат қилади.	2 ҳафта муддатда
2-босқич	Тижорат банклари	1. Ташкилот томонидан кредит ажратишни сўраб тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқади. 2. Ташкилотнинг кредит ажратиш бўйича тақдим этган барча ҳужжатлари кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичига мувофиқ келган тақдирда, бу ҳақда ташкилотга хабар беради, шартнома тузади ҳамда унинг ҳисобварағига кредитни ўтказди. 3. Ташкилотга рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма жавоб беради.	5 иш кунида 3 иш куни ичида 1 ҳафта муддатдан кечиктирмасдан
3-босқич	Ташкилот	Кредитни мақсадли йўналтириш чораларини кўради.	Кредит ажратилгандан сўнг
4-босқич	Тижорат банклари	Ташкилот кредит бўйича фоиз тўловлари ва асосий қарзни қайтармаса, банк кредити бўйича муддати ўтган қарздорликларни ўзининг ички қоидаларига асосан қайтариш чораларини кўради.	Белгиланган муддатларда
5-босқич	Ташкилот	Асосий қарз ва фоиз тўловларини кредит шартномасида кўрсатилган шартларда тўлайди.	Белгиланган муддатларда